

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАКИМОВА ПОШОАЗИМХОН АБДУЛҲАКИМ ҚИЗИ**

**СУВ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН  
ТАЪСИРЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(КАНАЛЛАР МИСОЛИДА)**

**11.00.05-«Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш»**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати**

**Тошкент – 2024 й**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Хакимова Пошоазимхон Абдулҳаким қизи</b> Сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини баҳолаш услубини такомиллаштириш (каналлар мисолида).....	3
<b>Хакимова Пошоазимхон Абдулҳаким қизи</b> Совершенствование метода оценки воздействия объектов водного хозяйства на окружающую среду (на примере каналов).....	22
<b>Khakimova Poshaozimkhon Abdulkhakim qizi</b> Improving the water facilities' environmental impact assessment method (case of canals).....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works .....	44

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАКИМОВА ПОШОАЗИМХОН АБДУЛҲАКИМ ҚИЗИ**

**СУВ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛАДИГАН  
ТАЪСИРЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(КАНАЛЛАР МИСОЛИДА)**

**11.00.05-«Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш»**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати**

**Тошкент – 2024 й**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № 270 26.09.2024 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халмирзаева Мадина Искандаровна**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мурадов Шухрат Одилевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Хўжаев Исмаилла Қўшаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**ЎзГИП МЧЖ**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 202\_ й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетиининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 202\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Бакиев М.Р.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Гаппаров Ф.А.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Каримов Б.К.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сув хўжалиги фаолиятида катта магистрал каналлар ёрдамида сув ресурсларини қайта тақсимлаш, йирик сув омборлари каскадидан фойдаланиш, катта ер майдонларини суғориш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда экологик хавф-хатарларни аниқлаш, сув хўжалиги фаолиятининг атроф-муҳитга кучли ва кўп қиррали таъсирларини ўрганиш вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан турли таъсирлар оқибатида атроф-муҳитга бўладиган кучли антропоген юкламаларни баҳолаш, уларни ҳисобга олиш ҳамда бошқаришнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда, жумладан йирик дарёларнинг куйи оқимида жойлашган Ўзбекистонда, сувга бўлган талабнинг ортиши ва сув билан таъминланганлик даражасининг камайиши шароитида иқлим ўзгариши таъсирида сув ва экологик муаммоларнинг янада мураккаблашаётгани кузатилаётганини эътиборга олсак, бу сув хўжалиги фаолияти ва объектларининг атроф-муҳитга таъсирини ўз вақтида ва тўлиқ баҳолаш, баҳолаш аниқлиги ва тезкорлигини оширишга имкон берадиган усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу боис, сув хўжалиги фаолияти ва объектларининг атроф муҳитга кўрсатадиган кўп қиррали ва мураккаб таъсирларини ўрганиш, уларни тез ва юқори аниқликда баҳолаш имконини берадиган илмий асосланган усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамызда барқарор иқтисодий тараққиётга ва табиий муҳитга бўладиган салбий таъсирларни бартараф этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча йўналишларидаги каби табиатни муҳофаза қилиш фаолияти йўналишларида ҳам кенг қамровли ислохатлар амалга оширилмоқда. Республикамызда табиатни муҳофаза қилишни тартибга солувчи қонунлар билан бир қаторда сўнгги 10 йил давомида мамлакатда бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863 сонли "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида ҳам бу соҳада янги вазифалари кўйилган. Хусусан "юз бериши мумкин бўлган глобал ва минтақавий иқлим ўзгаришларига нисбатан табиат тизимлари ва хўжалик фаолияти секторларининг заифлиги тадқиқ этилишини таъминлаш, экологик хавф-хатарларни аниқлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда экологик жиҳатларнинг давлат секторал сиёсатига, шу жумладан режалар, дастурлар ва бошқа стратегик ҳужжатларни стратегик экологик баҳолаш механизмини жорий этиш, шунингдек, алоҳида лойиҳаларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш орқали интеграциялашувини таъминлаш" вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, сув хўжалиги фаолияти ва объектларининг атроф-муҳитга таъсирини тўғри баҳолаш ва бошқаришнинг такомиллаштирилган услубини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863 сонли "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза

килиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисидаги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сонли “Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш муаммолари бўйича жаҳоннинг турли давлатларида ва Ўзбекистонда Аcreman M., Afroz A., Ahmed S.M., Andrew Chadwick, Archana Pandey, Dunbar M., El-Kholy M.M., El-Tohamy S.A., Gioutsou A., Hellström D., Jeppsson U., John Glasson, Kärrman E.A., Michael A.M., Manouris G., Riki Therivel, Singh P.P., Абакумов В.А., Бондаренко В.Л., Букс И.И., Великанов М.А., Гаргопа Ю.М., Гебанов М.С., Горкина, И.Д., Гутенев В.В., Денисов Ю.М., Денисов В.И., Дьяченко В.Б., Дубинина В.Г., Духовный В.А., Латун В.В., Ледащева Т.Н., Федорян А.В., Фомин С.А., Соколов В.И., Касимов Д.В., Клименко О.В., Кудрявцева О.В., Королева Н.В., Максименко, Ю.Л., Мягков С.В., Мирзаев С.Ш., Пинаев В.Е., Рахматуллин Х.А., Румянцев, И.С., Савицкий А.Г., Арифжанов А.М., Салохиддинов А.Т., Халмирзаева М.И., Хованский А.Д., Хорошев О.А., Чешев А.С., Шевченко Н.А. каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган ва салмоқли натижаларга эришилган.

Шу билан бирга бугунги кундаги мавжуд илмий адабиётлар таҳлилидан сув хўжалиги объектларининг атроф муҳитга таъсирлари, уларнинг ўзига хослигини эътиборга олиб баҳолаш услубини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотларнинг етарли бажарилмаганлиги ва муаммонинг тўлиқ ўрганилмаганлиги кўринади. Шу сабабли каналлар мисолида сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирларини баҳолаш услубини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни олиб бориш зарурияти пайдо бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти 2017-2024 йилларда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий тадқиқотлар режаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тасарруфидаги “Инновацион ривожланиш агентлиги” билан тузилган шартнома асосида, ФЗ-20200930448-сонли "Алоҳида ҳудудларда қулай иқлимли зоналарни яратишининг назарий асослари ва ҳисоблаш

механизмларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сув хўжалиги объектларини атроф-муҳитга бўлаётган таъсирларни баҳолашнинг услубини такомиллаштириш ва унинг илмий асосларини ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-техник тараққиёт натижаларини ўрганиш;

Сув хўжалиги объектларида ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалиши қонуниятларини аниқлаш ва жараёнларнинг ҳисобий асосларини таъминловчи математик моделини ишлаб чиқиш;

Канал фаолиятининг атроф-муҳитга (унинг сув режими мисолида) таъсирини баҳолаш усулини такомиллаштириш ва ҳисобий асослаш;

Канал атрофида шакллантирилган дарахтлар плантациясининг:

- таъсир зонасидаги тупроқларда намликнинг кўндаланг кесим ва узунлиги бўйлаб тарқалишига;
- буғланиш ва филтрацион оқимнинг канал атрофидаги муҳит бўйлаб тарқалишига таъсирини аниқлаш.

Сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш жараёнини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси жанубий қисмида жойлашган Бўстон канали ва унинг таъсир зонасидаги ҳудуд атроф-муҳит компонентлари қабул қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** техноген тизимларнинг атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш услуби, сув хўжалиги объектларининг (канал мисолида) атроф-муҳитга (унинг сув муҳити мисолида) таъсири ва уларнинг ўзаро таъсири жараёнлари ҳамда қонуниятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияни бажариш жараёнида тадқиқотнинг умумий қабул қилинган дала рекогнозцион кузатишлар, сонли экспериментлар, моделлаштириш, сув хўжалиги объектларини атроф-муҳитга таъсири жараёнларини моделлаштиришда графлар назарияси ҳамда тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Каналларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашнинг классификацион схемаси ишлаб чиқилган;

Очиқ сув объектларида (каналлар мисолида) ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишини ҳисоблаш бўйича математик модель ишлаб чиқилган;

Канал фаолиятининг атроф-муҳитга (унинг сув режими мисолида) таъсирини баҳолаш усули ўзаро киришувчан кўпфазали тизим тенгламаси ва намликнинг ғовак муҳитдаги ҳаракати моделини кўллаш асосида такомиллаштирилган;

Канал бўйлаб шакллантирилган дарахтлар плантациясининг таъсир зонасидаги тупроқларда намликнинг тарқалишига ҳамда буғланиш ва филтрацион оқимнинг канал атрофидаги муҳит бўйлаб тарқалишига таъсирлари аниқланган:

Сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш жараёнини ташкил этиш бўйича такомиллаштирилган услубнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Илмий тадқиқотлар натижасида сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирларини баҳолаш имконини берувчи такомиллаштирилган услуб ва дастурий маҳсулот яратилган.

Такомиллаштирилган услуб Экологик экспертиза ташкилотлари фаолиятларида жорий этилиб, ҳозирги кунда ундан сув хўжалиги объектлари учун атроф-муҳитга бўладиган таъсир баённомаси, экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза ва экологик норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиб келинмоқда. Такомиллаштирилган услубнинг қўлланилиши, баҳоланаётган экологик таъсирлар аниқлик даражасини 10-12% га ошириш имконини яратди.

Мазкур услубнинг ижтимоий самарадорлиги сув хўжалиги объектларининг атроф-табiiй муҳитга салбий таъсирини камайтириши ҳамда аҳолининг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилашга имкон яратганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқотларнинг назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши; олинган маълумотлар математик-статистик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, илмий ва амалий натижаларининг мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тасдиқланганлиги ҳамда ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнларига тадбиқ этилганлиги, натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги уларнинг ишончлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти** қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга кўрсатадиган мураккаб таъсирларини баҳолаш бўйича такомиллаштирилган услубнинг ишлаб чиқилганлиги, сув хўжалиги объектларида ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалиши қонуниятлари аниқланганлиги ва мазкур жараёнларнинг математик модели ишлаб чиқилганлиги, каналлар фаолиятининг агротехник тадбирлар шароитида таъсир зонасидаги сув муҳитига таъсирини ҳисобий асосланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирларини баҳолаш аниқлигини ҳамда мазкур объектларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишнинг қўшимча имкониятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирларини баҳолаш услуби “ECOLOYINA” МЧЖ фаолиятида ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 10.05.2024 йилдаги 03-03/3-4557-сонли маълумотномаси). Натижада баҳоланаётган экологик таъсирлар кўламининг аниқлиги даражасини 10-12% га оширишга эришилган.



Такомиллаштирилган баҳолаш услуги Ўзбекистон Республикаси “Давлат экологик экспертизаси маркази” фаолиятида сув ҳўжалиги объектлари бўйича атроф-муҳитга бўладиган таъсир баённомаси, экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза ва экологик норматив ҳужжатлар экспертизадан ўтказишда ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 10.05.2024 йилдаги 03-03/3-4557-сонли маълумотномаси). Натижада сув ҳўжалиги объектлари бўйича аниқлаштирилган экологик экспертиза хулосаларини олиш имконияти яратилган.

Сув ҳўжалиги объектларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтирилиши ҳамда аҳолининг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш бўйича тавсиялар “PROJECT ECO SERVICE” МЧ фаолиятида ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 10.05.2024 йилдаги 03-03/3-4557-сонли маълумотномаси). Натижада сув ҳўжалиги объектларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, ишлаш шароитини яхшилаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация иши дастури доирасида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ҳамда зарурияти асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, унинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сув ҳўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш муаммосининг ўрганилганлиги» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича дунёда, шу жумладан республика олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари илмий адабиётлар шарҳи асосида таҳлил қилинган. Сув ҳўжалиги объектларининг атроф-муҳитга бўладиган таъсирини баҳолаш (АМБТБ) асослари ва унинг экологик хавфсизликни таъминлашдаги роли, сув ҳўжалиги объектлари ва атроф-муҳит компонентларининг ўзаро таъсирларини баҳолашда мавжуд назарий ва услубий асосларининг таҳлили натижалари келтирилган. Бугунги кунга қадар антропоген,

жумладан сув хўжалиги объектларининг атроф муҳитга бўладиган таъсирини баҳолаш услубиятини ривожлантириш муаммоси бўйича кўплаб олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, диссертацияда Абакумов В.А., Бондаренко В.Л., Букс И.И., Великанов М.А., Горкина И.Д., Гутенев В.В., Денисов Ю.М., Дьяченко В.Б., Касимов Д.В., Королева Н.В., Кудрявцева О.В., Латун В.В., Ледащева Т.Н., Максименко Ю.Л., Мирзаев С.Ш., Мягков С.В., Пинаев В.Е., Реймерс Н.Ф., Савицкий А.Г., Салохиддинов А.Т., Сергеев А.И., Федорян А.В., Фомин С.А., Халмирзаева М.И., Хованский А.Д., Хорошев О.А., Afroz A., Andrew Chadwick, Archana Pandey, Ahmed S.M., El-Kholy S.A., El-Tohamy M.M., Hellström, D., Jeppsson, U., John Glasson, Kärrman, E., Michael A.M. Riki Therivel, Singh P. P., ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида эълон қилинган илмий ишларнинг аналитик таҳлили келтирилган.

Каналлар мураккаб ва ички қарама-қаршиликларга эга сув хўжалиги объектлари ҳисобланиб, уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири жараёни кўпқиррали ва мураккаблиги аниқланган. Сув оқимини вақт ва ҳудуд бўйича қайта тақсимлаш орқали каналлар ҳавзавий геотизим ҳудудининг табиати ва иқтисодиётига бир қатор ноаниқ ўзгаришлар ва оқибатларни олиб келиши мумкин. Каналларни қуриш ва реконструкция қилишда уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирини таҳлил қилиш асосида қатор илмий тадқиқотчилар, жумладан Бондаренко В.Л., Мягков С.В., Сергеев А.И., Florina Fabian, Mirela Panainte, Клименко О.В. ва бошқалар сув хўжалиги объектларининг экотизимларнинг экологик ишончилигини таъминлашга салбий таъсирини рақамли баҳолаш методологиясининг турли параметрларини асослаганлар. Уларнинг олган натижалари таҳлиliga асосланиб ҳавзавий геотизимларининг таркибий қисми сифатида каналлар фаолиятининг қуйидаги асосий мезонларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- Каналлардаги ички номувофиқлик ва улар томонидан табиий муҳит ва иқтисодиётга кўрсатиладиган таъсирлар ва салбий оқибатлар, объектив ва бир қатор субъектив сабаблар билан қўшилиб мураккаблашади.
- Катта каналларнинг таъсири уларнинг узунлиги бўйлаб намоён бўлади. Табиий жараёнларнинг интенсивлиги ва уларга каналларнинг турли қисмларида бўладиган таъсирлар бир хил эмас.
- Вақт ўтиши билан алоҳида каналлар ҳам, уларнинг каскадлари ҳам доимий равишда ўзгариб туради. Ушбу ўзгаришлар табиий жараёнлар ва антропоген омиллар таъсири остида содир бўлади.
- Каналларнинг атроф-муҳит ва таъсир зонасидаги ҳудудлар иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқлиги, уларни таҳлил қилишда тизимли ёндашувни талаб қилади.
- Ҳар бир каналнинг таъсирлари турли антропоген омилларнинг динамикасини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилишини тақозо этади.

Диссертациянинг мазкур бобида, шунингдек Ўзбекистонда ва дунёдаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда атроф-муҳитга бўладиган таъсирларни баҳолаш бўйича миллий ёндашув ва усуллар, мазкур йўналишдаги миллий ва халқаро тажрибалар, меъёрий ҳужжатлар ва амалиётларнинг ривожини

хамда мавжуд муаммолари ҳолати таҳлили келтирилган. Атроф-муҳитга бўладиган таъсирни баҳолашни ўтказишнинг миллий тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7-сентябрдаги 541-сонли Қарори билан тасдиқланган "Низом" билан тартибга солинади. Ўзбекистонда давлат экологик экспертизаси жараёни уч босқични ўз ичига олади ва қамраб олинган барча иқтисодий фаолият турлари тўрт тоифага бўлинади. Экологик экспертиза объекти ҳисобланган сув хўжалиги объектлари иккинчи (сув сарфи 50 м<sup>3</sup>/с дан ортиқ бўлган магистрал каналлар ва лойиҳавий сув сарфи 20 м<sup>3</sup>/с дан ортиқ бўлган коллекторлар) ва учинчи тоифаларга (сув сарфи 50 м<sup>3</sup>/с кам бўлган магистрал каналлар лойиҳавий сув сарфи 20 м<sup>3</sup>/с дан кам бўлган коллекторлар) киритилган.

Сув хўжалиги объектлари бўйича АМБТБ ўтказиш соҳасидаги халқаро ва миллий ёндашувларнинг қиёсий таҳлили қуйидаги асосий фарқларни кўрсатди: Миллий ёндашувда қурилиш ва лойиҳани амалга ошириш жараёнида сезиларли таъсирларни аниқлаш ва тартиблаштириш босқичи мавжуд эмас. Бундай омилларнинг йўқлиги АМБТБ жараёнида соҳага хос бўлган сезиларли таъсирларга ва лойиҳа майдонининг ўзига хос жойлашувига эътибор қаратишга имкон бермайди; Аниқланган таъсирларни ва тақлиф қилинган юмшатиш чораларини умумлаштиришга имкон берадиган атроф-муҳитни бошқариш режасини ишлаб чиқиш кўзда тутилмаган; Баҳолаш жараёнида таъсирларнинг кумулятив эффекти ҳисобга олинмайди.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга бўладиган таъсирини баҳолаш усуллари ҳамда сув хўжалиги объектлари ва атроф-муҳит компонентларининг ўзаро таъсирларини баҳолашда мавжуд назарий ва услубий асосларини ривожлантириш бўйича аксарият ҳолларда муайян ижобий натижаларга эришилган. Шунга қарамай, сув хўжалиги объектлари, жумладан каналларнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирларини баҳолаш усуллари такомиллаштириш ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг сув объектида тарқалиши қонуниятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Мазкур муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо, каналлар мисолида сув хўжалиги объектларини атроф-муҳитга бўлаётган таъсирларни баҳолашнинг услубини такомиллаштириш ва унинг илмий асосларини ривожлантириш заруриятини кўрсатади. Юқоридаги таҳлиллар асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Каналлардаги сув оқимида ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишини баҳолаш усулини такомиллаштириш»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар объекти ва унинг табиий хўжалик шароитлари тўғрисидаги маълумотлар, каналларнинг атроф-муҳитга таъсири турларининг таҳлили, каналлардаги сув оқимида ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишининг экологик талабларга мувофиқлигини ўрганиш масалалари ҳамда каналдаги сув оқимида ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишини баҳолаш усулини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган

Худудда геологик тузилиши бўйича ҳар хил қалинликдаги юқори тўртламчи давр ётқизиклари учрайди. Бўстон каналининг умумий узунлиги 70 км, ва сув сарфи 105 м<sup>3</sup>/с ни ташкил этади. Канал ўзани бўйлаб тупроқ бир хил, лойли ўрта катталиқдаги қум деб таснифланади. Лой таркиби 10% дан кам. Фильтрация коэффиценти 4–5 м/сут ни ташкил этади. Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 1,61 дан 2,04 г / см<sup>3</sup> гача. Ер ости сувларининг чуқурлиги 0 дан 3 м гача. Қишда, каналда сув таъминоти тўхтаганда, ер ости сувлари сатҳи 2 дан 10 м гача пасаяди. Каналнинг жиддий таъсир турларидан бири, унинг ўзани бўйлаб сув йўқотилиши ҳисобланади, бу эса сувдан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташқари, каналлар тупроқнинг ифлосланишига олиб келиши мумкин, чунки турли заҳарли кимёвий моддалар сув билан бирга тупроққа сингиб кетади.

Мазкур диссертация доирасида тадқиқотлар канал фаолияти туфайли атроф-муҳитнинг экологик барқарорлигида муҳим ўрин тутувчи масалалар - каналлар сув оқимида ифлослантувчи моддаларнинг тарқалиши ҳамда каналлар фаолиятининг ўз таъсир зонасидаги тупроқлар сув муҳитига таъсири мисолида олиб борилган.

Бўстон каналига тушадиган ифлослантувчи модданинг концентрациясини бирга (S=1) тенг деб қабул қиламиз. Бўстон каналига мазкур модда билан бирга қўшимча равишда тушадиган сув оқими, каналдаги транзит сув оқимининг бир фоизига тенг деб олинди. Каналнинг кенлиги 10 м, оқим тезлиги 20 м<sup>3</sup>/с ва тубининг нишаблиги 0,001 га тенг қабул қилинган.

Диссертация тадқиқоти доирасида сув объектида ифлослантувчи моддаларнинг тарқалиши ва уларнинг экологик талабларга мувофиқлиги таҳлили ҳамда каналнинг таъсирда тупроқда намликнинг ҳаракати Бўстон канали маълумотларидан фойдаланган ҳолда рақамли экспериментлар асосида ўрганилган ҳамда олинган натижалари уларнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Илмий адабиётларда жумладан қатъий экологик меъёрларга риоя қилиш учун экологик талабларнинг бажарилишини таъминлайдиган (сув объектидаги сув оқимига қараб) сув объектига ифлослантувчи моддаларни ташлашнинг мақбул режимларини топиш мумкинлиги асосланган, бироқ ифлословчи моддаларнинг сув объектида тарқалиш қонуниятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари экологик таъсирларни баҳолаш аниқлигини таъминлаш учун етарли эмас.

Сув объектига ташланадиган ифлословчи моддаларнинг ҳаракати ва тарқалишини ҳисоблаш учун - сув объектидаги сувнинг ҳаракати тенгламаси (икки ўлчовли, горизонтал) ҳамда консерватив ифлословчи моддаларнинг массасини сақланиши тенгламаси асос бўлади. Сув объектига ташланадиган ифлосликлар тарқалган майдоннинг ўзгаришини ҳисоблашда, одатда, сув тезлигини ҳисоблаш учун Сен-Венан тенгламалари қўлланилади

$$\frac{1}{g} \frac{\partial U}{\partial t} + \frac{U}{g} \frac{\partial U}{\partial x} + \frac{\partial h}{\partial x} - I + \frac{Q^2}{K^2} = 0 \quad (1)$$

$$\frac{\partial S}{\partial t} + \frac{\partial(SU)}{\partial x} = \frac{\partial D_s \partial S}{(\partial x)^2} + J \quad (2)$$

Бизнинг ҳолатимизда буни ўзи етарли эмас. (1) ва (2) тенгламалар тизими асосида олинадиган маълумотлар сув объектининг ҳар қандай алоҳида кўндаланг

кесимидаги ўртача ифлосланиш кўрсаткичи тўғрисидаги маълумотни олишга етарли ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳисобларда ифлословчи моддаларнинг вертикал бўйлаб пастки нуктадан сув сатҳигача бирлаштирувчи "Ифлословчи моддалар массасининг сақланиши" тенгламасидан фойдаландик.

$$\begin{aligned} \frac{\partial s}{\partial t} + \frac{\partial(sV)}{\partial x} + \frac{\partial(sU)}{\partial y} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( D_s \frac{\partial s}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( D_s \frac{\partial s}{\partial y} \right) + J, \\ \frac{\partial v}{\partial t} + V \frac{\partial v}{\partial x} + U \frac{\partial v}{\partial y} &= \frac{\partial h_p}{\rho \partial x} + \frac{\partial}{\partial x} \left( D_v \frac{\partial v}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( D_v \frac{\partial v}{\partial y} \right) + K_z \frac{v}{h^2}, \\ \frac{\partial u}{\partial t} + V \frac{\partial u}{\partial x} + U \frac{\partial u}{\partial y} &= \frac{\partial h_p}{\rho \partial y} + \frac{\partial}{\partial x} \left( D_v \frac{\partial u}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( D_v \frac{\partial u}{\partial y} \right) + K_z \cdot \frac{u}{h^2}, \\ \frac{\partial h_p}{\partial t} &= \int_{z=0}^{z=h_p} \left( \frac{\partial v}{\partial x} + \frac{\partial u}{\partial y} \right) dz. \end{aligned} \quad (3)$$

Белгиланган вазифаларнинг ўзига хослиги шундаки, (3) тенгламалар тизими ечими сезиларли даражада соддалаштирилиши мумкин. Модданинг кўндаланг йўналишда конвектив ҳаракати аҳамиятли эмас ва асосан турбулент диффузия туфайли содир бўлади. Шунга асосланиб (3) тенгламани бир мунча соддалаштириш мумкин бўлади.

$$\frac{\partial s}{\partial t} + V \frac{\partial s}{\partial x} = \frac{\partial}{\partial x} \left( D_s \frac{\partial s}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( D_s \frac{\partial s}{\partial y} \right) + J \quad (4)$$

Сув объектидаги оқим тезлиги майдонини парабола кўринишида белгилаймиз. Қирғоқларда сув оқими тезлиги нолга тенг қабул қилинган. Сув ҳаракатининг ўртача тезлигини ҳамда оқим чуқурлигини етарлича барқарор ҳисобланган сув объекти ўзани кенглиги ва тубининг қиялиги орқали ҳисоблаймиз. Турбулент диффузия коэффициентини аниқлаш учун ҳисоблаш формуласи (5) кўринишда бўлади.

$$D_s = \frac{g \left( \frac{Q}{BC\sqrt{i}} \right)^{\frac{2}{3}} \left( \frac{-4 \frac{2}{3} C \sqrt{\left( \frac{Q}{BC\sqrt{i}} \right)^{\frac{2}{3}} I y^2}}{B^2} + \frac{2}{3} C \sqrt{\left( \frac{Q}{BC\sqrt{i}} \right)^{\frac{2}{3}} I y^2} \right)}{(0.7 C + 6) C}. \quad (5)$$


Оқим чуқурлиги ва ўртача тезлиги Шези формуласи бўйича ҳисобланган

$$h_p = 1,1696 \text{ м.} \quad V = 1,71 \text{ м}^3/\text{с}$$

Турбулент диффузия коэффициентининг қиймати, Кольмогоров А.Н, Е.Кlose ва бошқа муаллифлар томонидан олинган бир қатор ўхшаш қонуниятлар асосида ҳисобланган. Таъкидлаш лозимки, коэффициент қиймати турли формулаларда бироз фарқ қилган. Ҳисобларда ўртача коэффициентдан фойдаланилди.

$$D_s = \alpha \cdot V \cdot h_p \quad 0.02 < \alpha < 0.1 \quad (6)$$


$$D_s = \beta \cdot V \cdot h_p^{1/6} \quad 0.01 < \beta < 0.1 \quad (7)$$



**1- расм. Сув объектнинг кўндаланг кесими бўйича турбулент диффузия коэффициентининг тарқалиши эпюраси**

Канал ўзани трапециодал шаклда ва каналнинг кўндаланг кесимидаги ўртача вертикал тезлик парабола кўринишида деб қабул қилинган. Каналда сувнинг сокин оқими шароитида ўртача вертикал тезликнинг тарқалиши ҳолати тез-тез учрайди. Кўндаланг кесим вертикал бўлақларга бўлинган. Турбулент диффузия коэффициенти ҳар бир бўлақ учун ҳисоблаб чиқилган. Турбулент диффузия коэффициентининг канал кесимларида тарқалиши графиги шу тарзда олинган. Натижа кўрсатадики, канал деворлари яқинида деярли ламинар оқим ва сув объектнинг марказий қисмида эса кучли турбулент диффузия ҳукм суради. Ҳисоблар натижалари 1-расмда келтирилган. 1-расмда тадқиқотлар натижасида аниқланган кенглиги 10 метр, оқим тезлиги 20 м<sup>3</sup>/с ва тубининг нишаблиги 0,001 бўлган сув объекти бўйлаб ифлословчи моддалар ташланадиган зонадаги диффузия коэффициентининг тарқалиши кўрсатилган.

(3), (4) ва (5) тенгламалар тизимларининг информაციон аҳамиятини баҳолаш мақсадида Бўстон каналига ўнг қирғоқдан ташланадиган ифлословчи моддалар оқимининг тарқалишини ҳисоблаш тест масаласи шакллантирилди. Ифлословчи модда консерватив деб тахмин қилинади. (4) тенглама  $S$  ўзгарувчига нисбатан чизикли эканлигини ҳисобга олсак, ифлословчи модда концентрациясини эмас, балки Бўстон каналига ташланган оқим таркибида тушган ифлословчи модда концентрациясининг ҳиссасини ҳисоблаш мумкин бўлади. Кейинги ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун Бўстон каналига тушадиган ифлослантурувчи модда концентрациясини бирга  $S = 1$  тенг деб тахмин қиламиз. Бўстон каналига кўшимча равишда кирадиган сув оқими каналдаги транзит сув оқимининг бир фоизига тенг. Бўстон канали сувининг табиий (фон) ифлосланиши ифлослантурувчи модда концентрациясининг 0,25 ҳиссасига тенг деб тахмин қилинади.



**2-расм. Бўстон каналига ўнг қирғоқдан ташланган ифлослантирувчи модданинг узунлик бўйлаб тарқалиши (чапда) ва ифлословчи моддаларнинг Бўстон канали кўндаланг кесмалари бўйича тарқалиши (ўнгда)**

Натижалар шуни кўрсатадики, 100 метрдан кейин ифлослантирувчи моддалар концентрацияси 4 мартадан кўпроқ пасаяди ва каналдаги сувнинг ифлосланиши унинг табиий (фон) ифлосланиши кўрсаткичига деярли тенг бўлади (2-расм, чап томонда). 2-расм ўнгда каналнинг тўртта (ифлослантирувчи аралашма ташланган зонасидаги кесма - А, ифлослантирувчи модда ташланган нуқтадан 3 метр қуйида жойлашган кесма - В, ифлослантирувчи модда ташланган нуқтадан 50 метр пастда жойлашган кесма - С ва ифлослантирувчи модда ташланган нуқтадан 100 метр пастда жойлашган кесма - D) кесмасида ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалиш диаграммаси кўрсатилган .

Кўриниб турибдики, дастлабки 3 метр масофада ифлослантирувчи модда концентрацияси икки мартага пасаяди. Кейинги босқичда, ифлословчи модда концентрациясининг пасайиши жараёни секинроқ кечади ва 50 метр масофада деярли сезилмас даражага тушади. Сув ресурсларининг танқислиги ҳамда сув ресурсларидан катта миқёсда фойдаланиш ва қайта фойдаланиш шароитида ифлослантирувчи моддаларнинг ҳаракатини назорат қилиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга вазифадир. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, (5) тенглама табиатан эмпирик ва шунинг учун (3), (4) ва (5) тенгламалар тизимидан фойдаланган ҳолда ҳар қандай аниқ ҳисобларни амалга оширганда (5) формуладаги коэффицентларни кўшимча коррективроқ қилиш талаб этилади. Муаяйн реал объект бўйича бир нечта нуқтавий ўлчовларни олиш ва (5) формуладаги константаларни аниқлаштириш орқали сув оқими бўйлаб ифлословчи модда тарқалишининг фазовий кўринишини аниқлашга имкон яратилади. Тадқиқотлар натижасида (3), (4) ва (5) тенгламалар тизим ёрдамида ҳар қандай сув объектида ва унинг ҳар бир кесимида ифлословчи моддалар тарқалишини ҳисоблаш имконияти яратилди.

Диссертациянинг **“Каналларни атроф муҳитдаги тупроқ сув режимига таъсири ва уни баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари”** деб номланган учинчи бобида канал таъсири зонасидаги тупроқларда намликнинг тарқалиши қонуниятлари ва унинг агротехник тадбирлар таъсиридаги ҳаракатининг математик моделини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари келтирилган.

Тупроқда, шунингдек канал таъсир зонасида намлик тарқалиши қонуниятини сонли эксперимент асосида ўрганиш учун ғовак муҳит сифатида Бўстон канали жойлашган муҳитдаги тупроқ кўрсаткичларидан фойдаланилган. Бунда тупроқнинг ғоваклиги 20% қабул қилинган. Каналдан икки ён томонга қараб узоқлашган сари тупроқ намлигини ҳаракати тупроқ ғовақлигининг (тупроқ ҳажмига нисбатан 20%) сув билан тўйинганлиги даражасини 100% дан 0% гача камайиб бориши орқали баҳоланган.

Тадқиқот доирасида тупроққа агротехник тадбирлар мисоли сифатида тупроқ қатламига гидрогеллар киритилиши шароитида намлик тарқалишининг математик моделини такомиллаштириш бўйича изланишларда ҳисоблаш учун параметрларнинг сонли қийматларини: ғовақлик 20%,  $\Pi = 0.20$ , максимал молекуляр намлик сифими 10%,  $f_o = 0.1$ , ва  $\Phi_o - 3$  метр сув устунига тенг қилиб олинган. Чегаравий шартлар билан ер ости сувлари сатҳи жойлашган чуқурликда ҳамда тупроқ сатҳида ғовақларнинг сув билан тўлганлиги даражаси белгиланган.

